

**М.А.ЭШМИРЗАЕВА**

**ШАХСГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ПЕДАГОГИКАДА  
УМУМИЙ ФИЗИКА  
(ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ  
БЎЛИМИ)НИ ЎҚИТИШ**



**ТОШКЕНТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А. НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСТЕТИ**

**ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**УМУМИЙ ФИЗИКА ВА МАГНЕТИЗМ  
КАФЕДРАСИ**

**М.А.ЭШМИРЗАЕВА**

**ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ПЕДАГОГИКАДА УМУМИЙ  
ФИЗИКА(ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ  
БЎЛИМИ)НИ ЎҚИТИШ**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**УЎК**  
**КБК**

**М.А.Эшмирзаева. Шахсга йўналтирилган педагогикада умумий физика (электромагнетизм бўлими)ни ўқитиш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 108 бет.**

**ISBN 978–9943–**

Ушбу монографияда Шахсга йўналтирилган таълимнинг долзарблигини фан, маданият ва маърифат масалалари бўйича БМТ таркибидаги нуфузли бўлим - ЮНЕСКО томонидан ҳам тан олинган ва бу ташкилот комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «XXI аср таълим концепцияси»нинг асосида ҳам шахсга йўналтирилган таълим принциплари баён этилган. Физика таълимида замонавий технология қўлланилса, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, таълим олувчи шахсни ҳурмат қилиш ва эъозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қулай ижтимоий ва педагогик-психологик муҳит яратилади. Шундай жараёнда шахс, ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ҳамкорликда ягона таълим жараёнининг иккита субъекти сифатида ўқув-тарбия вазибаларини ҳал этади. Педагогика ва психология фанлари таълим технологиясини ишлаб чиқиши, таълим олувчи шахснинг такрорланмас кўп моҳиятига ва у шу билан бирга индивидуаллигига асосланиши, яъни шахсга йўналтирилганлиги бўлиши лозим. Шахсга йўналтирилган технологиялар замирида таълим-тарбияга табақалаштирилган ёндашиш амалга оширилиб, таълим олувчининг интеллектуал тараққиёти, ўрганилаётган фан (маъруза)га тайёргарлик даражаси ва унинг лаёқати ҳисобга олиниши кераклиги келтирилган.

***Маъсул муҳаррир:***

**О.К.Кувондиқов** – физика-математика фанлари доктори профессор;

***Такризчилар:***

**С.Ганиев** – физика-математика фанлари доктори профессор;

**К.А.Турсунметов** – физика-математика фанлари доктори профессор;

**ISBN 978–9943–**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

---

---

## КИРИШ

Ушбу монографияда Шахсга йўналтирилган таълимнинг долзарблигини фан, маданият ва маърифат масалалари бўйича БМТ таркибидаги нуфузли бўлим - ЮНЕСКО томонидан ҳам тан олинган ва бу ташкилот комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «XXI аср таълим концепцияси»нинг асосида ҳам шахсга йўналтирилган таълим принциплари баён этилган. Физика таълимида замонавий технология қўлланилса, педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, таълим олувчи шахсни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод қилиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қулай ижтимоий ва педагогик-психологик муҳит яратилади. Шундай жараёнда шахс, ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва ўқитувчи билан ҳамкорликда ягона таълим жараёнининг иккита субъекти сифатида ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этади. Педагогика ва психология фанлари таълим технологиясини ишлаб чиқиши, таълим олувчи шахснинг такрорланмас кўп моҳиятига ва у шу билан бирга индивидуаллигига асосланиши, яъни шахсга йўналтирилганлиги бўлиши лозим. Шахсга йўналтирилган технологиялар замирида таълим-тарбияга табақалаштирилган ёндашиш амалга оширилиб, таълим олувчининг интеллектуал тараққиёти, ўрганилаётган фан (маъруза)га тайёргарлик даражаси ва унинг лаёқати ҳисобга олиниши кераклиги келтирилган.

**“Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг психологик-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобда шахсга йўналтирилган ўқитиш ҳақида гуманистик психологларнинг қарашлари, унинг моҳияти ҳақидаги илмий, илмий-услубий, педагогик ва психологик адабиётлар асосида шахсга йўналтирилган ўқитишни ташкил қилиш ва уни ўтказиш муаммоларининг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилган.

Биринчи параграфда инновацион педагогик технологиялар ва уларни қўллаш муаммолари батафсил баён қилинган. Унда таълим тизимлари учун умумий бўлган педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган элементлардан ташкил топганлиги, инновацион педагогик технология тизим сифатида қаралганда, унинг тузилмасини ташкилий функционал элементлар бўйича аниқланганлиги, интерактив

методларнинг хусусиятлари, инновацион педагогик технология чизмаси ҳамда технологик билимлар тизими аниқланган. Таълим жараёнида таълим олишни фаоллаштириш ва жадаллаштириш, ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган, дастурли ўқитиш, дифференциалли ўқитиш, перспектив ўқитиш, гуруҳли ва жамоавий ўқитиш технологияси, ахборотли технология, ўқув материални методик такомиллаштириш ва дидактик реконструкция қилишда педагогик технология, шахсга йўналтирилган таълим технологияси каби технологиялар мавжуд.

Демак, инновацион педагогик технология – таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни батафсил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир.

Иккинчи параграфда гуманистик таълим ҳақидаги қарашлар ва шахсга йўналтирилган ёндашувнинг вужудга келиш омиллари ўрганилди. Шунингдек, психологик йўналишларнинг тавсифномалари жадвал кўринишида берилди, анъанавий ўқитиш ва шахсга йўналтирилган ўқитиш услублари таққосланди ҳамда ўқув-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакалар шаклланганлигини назорат қилиш учун назорат функциялар аниқланди, таълимнинг тарбиявий хусусиятини амалга ошириш учун ўқитувчига қўйилган талаблар таҳлил қилинган ва тавсия этилган.

Учинчи параграфда шахсга йўналтирилган билим бериш ва унинг хусусиятларини ҳисобга олиб ўқитишга қўйиладиган талаблар тасвирланган. Унда ҳар бир талабанинг ўзига хослиги, уларни дифференцияллашган ҳолда ўқитилиши, ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятлари, тайёргарлиги ҳамда интилишини ҳисобга олиш кераклиги кабилар эътиборга олиними кераклиги таъкидланган. Шунингдек, ҳар бир талабани алоҳида индивидуум эканлигининг параметрлари келтирилган.

Шу жумладан, шахсга йўналтирилган таълимда билим беришнинг мақсади – ҳар бир талабанинг қобилиятини аниқлаш орқали уни ривожлантиришдан иборат эканлиги ҳамда уларни машғулот ва ўқитиш жараёнида шахс сифатида шаклантириш кераклиги тавсифланган.

Туртинчи параграфда шахсга йўналтирилган таълим технологияси ва унинг физикани ўқитишдаги ўрни ва уни амалга қўллаш илмий-услубий муаммо эканлиги кўрсатилган. «Электромагнетизм» курси ўргатадиган илм, физик ҳодиса ва қонунлар бугунги

кунда инсоният учун хизмат қилаётган энергия манбалари, маиший асбоб-ускуналар, ахборот коммуникация техникаси, барча турдаги саноат техникаси ва ҳ.к.ларнинг тузилиши ва принципи асосини ташкил қилишни ҳисобга олиб, «Электромагнетизм» курсини таълимнинг барча турдаги поғоналарида замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида чуқур ўқитиш бугунги кунда олий таълим профессор-ўқитувчилари олдида турган долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, дарснинг талабалар томонидан яхши ўзлаштирилиши, олдиндан ўқитувчи томонидан тузилган дарс лойиҳаси ёки технологик харитасига боғлиқ. Бундай харитани тузиш, белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа бериш билан бирга ўқитувчини соатлаб дарс конспектини ёзишдан халос қилади. Шунинг учун ушбу параграфда “Электромагнетизм” бўлимини ўқитиш самарасини ошириш учун шахсга йўналтирилган педагогик технологияларни жорий этиш усулларида мавзуларга технологик хариталар тузилди ҳамда мавзунинг технологик моделлари ишлаб чиқилган.

**“Шахсга йўналтирилган педагогик технологияни физика фанини ўқитишда қўллаш”** деб номланган иккинчи бобда олий ўқув юртлари бакалавриат йўналишларига физикани ўқитишда шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиясини қўллаган ҳолда ўқув плакатлари, лаборатория ишлари, намоиш экспериментлари ҳамда дарс ишланмалари асосида ташкил этиш ва ўтказиш услуги баён қилинган.

Шу жумладан, биринчи параграфда олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишни шахсга йўналтирилган технология асосида такомиллаштириш имкониятлари ва омиллари келтирилган. Айнан Кирхгоф қоидаларидан фойдаланиб осон ҳисоблаш йўлини ишлаб чиқиш “Кейс–стади” га асосланган ўқитиш технологиясининг мақсади ҳисобланиши баён қилинган.

Иккинчи параграфда шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси асосида физика фанининг “Электромагнетизм” бўлимини ўқитишни ташкил этиш воситалари келтирилган бўлиб, унда илмий ва илмий услубий янгилик ва ютуқлар ҳамда янги педагогик технологияни қўллаган ҳолда интеграллашган ўқув плакатлари, намоиш экспериментлари, лаборатория қурилмалари такомиллаштирилганлиги баён қилинган.

Учинчи параграфда “Электромагнетизм” бўлимини ўқитишда ўқитиш воситалари, электрон материаллар, интернет маълумотлари, педагогик технологиялардан ҳамда ишлаб чиқилган услубий қўлланмалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган ва бу асосда намунавий дарслар ишланмаси яратилган. Шунингдек, “Электромагнетизм” бўлимини ўқитишда ўнлаб педагогик технологиялар, ўқув плакатлари, анимацион материаллар, диаграммалар, намоёниш экспериментлари, лаборатория қурилмалари ва ишлари ишлаб чиқилиб, уларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши тавсия этилган.

---

---

# І БОБ. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚИТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1 Инновацион педагогик технологиялар ва уларни қўллаш муаммолари

Бугунги кун таълим тизимида амал қилаётган анъанавий таълимни мазмунан ва услубий янгилаш ва таълим жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартириш давр тақозосидир. Бунда, физика таълими тизимига инновацион педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллаш орқали, таълим самарадорлигини юқори поғоналарга кўтаришни амалга ошириш мумкин.

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ, айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқ-дир» - деб бежиз айтмаган Президентимиз И.А.Каримов [4].

Юртбошимиз томонидан таълимнинг янги моделига асос солинди ва унинг келажак истиқболлари илмий асослаб берилди. Таълимнинг янги моделини амалиётга тадбиқ этиш, ўқув жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш-дир. Жумладан, ҳозирги кунда барча соҳаларда инновацион технологияларни жорий этилишини, ҳаётнинг ўзи, илмий-техникавий тараққиёт талаб этмоқда. Шунинг учун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “Ўқув - тарбиявий жараённи инновацион педагогик технологиялар билан таъминлаш” асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган [ 1-5 ].

Сўнги пайтларда педагог олимлар, амалиётчилар илмий асосланган таълим технологияларини ўз фаолиятларида кенг қўллашга интиломоқдалар. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотларни амалга оширишни кўзда тутуди, бунда энг аввало қуйидагиларни:

- инновацион педагогик технология сифатида нимани англа-тиши ва унинг тузилмаси қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини;



-жараён сифатида инновацион педагогик технологиянинг функционал тузилмаси нималардан иборатлигини;

- инновацион педагогик технологиялар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига қандай даражада тўғри келиши ва уни қандай баҳолаш мумкинлигини аниқлаш лозим.

Эркин шахсни шакллантириш муаммоси, таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни педагогик технология “рельс” ига ўтказишни тақозо этади. Бу жараён осон кечмайди, чунки, ихтиёрий курилаётган ва жорий этилаётган ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. Аслида ҳам, ижтимоий тажриба элементлари-билим, ижодий фаолият, объектив борлиққа муносабатлар - педагогик жараён маҳсулидир ва маълум педагогик тизим доирасида шакллантирилади. Инновацион педагогик технология эса, амалиётга жорий этилаётган янги педагогик тизим лойиҳасидир.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйган. Демак, миллий дастур, таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб, миллий мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий буюртма, давлат буюртмасини белгилаб беради ёки олий, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимлари учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди. Барча таълим тизимлари учун умумий бўлган педагогик тизим, ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги элементлардан ташкил топади:


Қуйидаги шаклдан иккита тушунчани изоҳлаш мумкин: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик тизим доирасида шахс фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт - шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади, шахснинг маълум сифатларини шакллантириш учун зарур бўлса, шарт шароитлар-талабаларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсиридир.

Ҳар бир дидактик масала, педагогик тизимда ўзига мос келадиган инновацион педагогик технология элементлари билан ҳал қилинади, улар дидактик жараён, ўқитишнинг ташкилий шакллари ҳамда ўқитишнинг техник воситаларидир. Юқоридаги шакл ижтимоий буюртма йўналиши, дидактик масалаларга қаратилган ва

бу бежиз эмас, чунки таълим ҳар доим жамият талабларини қондиришга хизмат қилади ва у онгли равишда ёки индуктив тарзда тез ёки секинлик билан бу талабларга мос ҳолда тузилиб боради. ХХІ аср бўсағасида таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳаққоний двигатели - бу ўзида дидактик масалалар ва инновацион педагогик технологияни мужассамлаштирган педагогик тизим ҳисобланади. Инновацион педагогик технологиянинг муваффақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг кафолатланиши, ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражасига ва ўқув жараёнида уларни тўғри белгилаб олишига боғлиқдир. Бу вазифа ҳозирга қадар ўқитувчилар томонидан англашилмай келиняпти, қатор ҳолларда эса улар методикани технологиядан фарқлай олмаяптилар.

1.1-жадвал



Методика-ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат десак, педагогик технология-ўқитувчининг касбий фаолиятини яқунловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган фаолиятлар йиғиндисидир.

Инновацион педагогик технология тизим сифатида қаралса, унинг тузилмасини ташкилий функционал элементлар бўйича 1.2-жадвал кўринишида тасаввур этиш мумкин.

Таълим мақсадларини, баҳолаш мезонларини ҳамда таълим шароитларини такрорий ҳосил қилишдаги имкониятларидан келиб чиқиб, таълим- тарбия жараёнини тарбиявий омилларига ҳам



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4000> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4000> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4000>